

ҚОДИРИЙ ИЖОДИ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ КЎЗГУСИДА

(“Танқид ва талқин тўлқинлари” туркум мақоласидан)

Муҳаммадқодир Тошпўлатов,

ЖДПИ Ўзбек тили ва адабиёти факультети талабаси

Илмий раҳбар: ф.ф.н., доц. Ю. Каримова

Улкан истеъдод соҳиби Абдулла Қодирий асарларининг соф илмий мезонлар асносидаги тадқиқи усуллари ёзувчи ижодига ёндашувнинг турли ракурсларидан келиб чиқиб танланади. Социологик, биографик, герменевтик, қиёсий-типологик, лингвистик каби қатор таҳлил методлари асосидаги изланишларнинг ҳар қайсисида бадиий яратикқа ёндашувнинг хос жиҳати кўзга ташланади. Жумладан, компаративистика “бадиий асарни солиштирма ўрганишни ёки турли миллий адабиётлар ўртасидаги ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатлар ва уларнинг илдизларини қиёсий текширишга диққат қаратилишини кўзда тутди. Компаративистика турли халқларнинг адабиётлари ўртасидаги алоқаларни ўрганиш ва адабий таъсирлар замиридаги қонуниятни очишга қаратилган самарали илмий ёндашув тарзидир”¹. Шу жиҳат эътибори билан улкан ёзувчи Қодирий асарларини қиёсий аспектда ўрганиш, тадқиқ этиш истиқлол адабиётшунослигида қатор илмий изланишларга омил бўлмоқда. Хусусан, мустақиллик йилларида ҳимоя қилинган 15 дан зиёд ўзбек тилидаги номзодлик ва докторлик ишлари, 10 га яқин рус тилида олиб борилган илмий тадқиқотлар – диссертацияларнинг айримларида ёзувчи ижоди компаративистик таҳлил этилади. Усмон Қосимов, Баҳодир Карим, Юлдуз Каримова, Санобар Тўлаганова, Нодира Соатова каби адабиётшуносларнинг қатор монографиялари, илмий изланишлари адиб асарларини миллий адабиёт миқёсида компаративистик тадқиқ қилишга асосланган бўлса, Шерали Турдиев, М. Абдуваҳобова, Сувон Мели, Улуғбек Очилов кабиларнинг

¹ Йўлдош Қ., Йўлдош М. Бадиий таҳлил асослари. –Т.: “Kamalak”, 2016, 243 – 244-бетлар

тадқиқот ишларида, адабий-таҳлилий мақолаларида компаративистик таҳлил жаҳон бадиий тафаккури дурдоналари билан алоқадорликда олиб борилади.

Истиқлол даври қодирийшунослигида, умуман, адабиётшунослигида сўнги йилларда олиб борилган қимматли илмий тадқиқотлардан бири фидойи мунаққид Усмон Қосимовнинг 2020 йилда ҳимоя қилинган *“Адабий-эстетик тафаккур тадрижи: анъанавийлик, ворисийлик, ўзига хослик (Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор ва Тоғай Мурод ижоди мисолида)”* мавзусидаги докторлик диссертациясида ҳам компаративистик метод етакчи таҳлил йўсини даражасига чиқади. Бунда олим ўзбек миллий насрининг уч даҳоси ижодини жиддий тадқиқ этаркан, асосан, бадиий тасвир маҳорати ва бадиий тил хусусиятлари устида сўз юритади. Хусусан, диссертацион ишда *“Қодирий ва Қаҳҳорнинг инсоний характер яратиш маҳорати ва унинг руҳиятини тасвирлаш хусусидаги қарашлари жаҳон адабиётининг машҳур адибларининг эстетик фикрлари билан муштарак экани, бу ҳол уларнинг жаҳоний миқёсда фикрлашларини кўрсатиши таъкидланади”*². Шунингдек, диссертациянинг биринчи боби – “Истиқлол ва бадиий-эстетик мерос”нинг “Адабий-эстетик мерос ва давр” деб номланган илк фаслида Навоий ижоди ва эстетик анъаналарининг кўп асрли ўзбек адабиёти, жумладан, Қодирий ва Қаҳҳор бадиий тафаккурининг тадрижида муҳим омил бўлгани хусусида илмий хулосалар берилади. Айниқса, бадиий асарларда адабий қаҳрамон руҳияти ва табиат тасвирининг параллелизмни вужудга келтириши, *“Бадиий асар матнидаги таъсирчанлик ва ўзига хос оҳангдорлик Қодирий, Қаҳҳор ва Тоғай Мурод учун ҳам мазмун ва шакл мутаносиблигига эришишининг муҳим бир воситаси, бадиийликнинг жиддий шарти бўлган”*³зи ишончли далилланади. Тадқиқотда олим, гувоҳи бўлганимиздек, текшириш объекти бўлган уч адабий фигура (Қодирий,

² Қосимов У. Адабий-эстетик тафаккур тадрижи: анъанавийлик, ворисийлик, ўзига хослик (Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор ва Тоғай Мурод ижоди мисолида). Филология фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси автореферати. Тошкент – 2020, 30-бет

³ Ўша манба, 33-бет

Қаҳҳор ва Т. Мурод) асарларидаги ижодий уйғунликни тор доирадаги ўрганишдан кенгрок таҳлил миқёсига олиб чиқади. Бу фикрларимизни *“Табиатни уч қараш – рассомлик, ёзувчилик, олимлик, уч олам нуқтаи назаридан келиб чиқиб тасвирлашда юксак санъат намунаси яратиш мумкинлиги Қодирий, Қаҳҳор, Тоғай Мурод ва Ч. Айтматов, М. Шолоховларнинг асарлари мисолида таҳлил”*⁴ қилингани ҳам тасдиқлайди. Хулоса қилиб айтганда, У. Қосимовнинг илмий тадқиқоти Қодирий ижодини умуммиқёсда компаративистик таҳлил этишининг кенг кўламли маҳсулидир.

2020 йили профессор Баҳодир Каримнинг қодирийшуносликка дохил мўъжаз бир асари яратилди. Бу китоб “Икки даҳо – икки бебаҳо” номи остида эълон қилиниб, унда муаллиф чўнг ўзбек адиблари – Мирзо Бобур ва Абдулла Қодирий ижодини қиёсий тадқиқ қилади. Рисолада мунаққиднинг “Ўткан кунлар” романининг илдизи, хусусан, “Бобурнома” асарига алоқадор нодир адабий қирралари хусусида сўз юритилади. Китобнинг “Митти муқаддима” ва “Туганчи”сидан ташқари тартиб берилган ўнта мақоласида икки мухташам асар шу қадар таҳлил қилинадикки, характерлар мантиғидан ўсиб чиқадиган бадий воқеликдан тортиб бадий тасвир воситалари, ҳатто матн поэтикасининг муҳим унсури – сўзга қадар синчков тадқиқ амалга оширилади. Энг асосийси, айрим адабиётшуносларнинг фикрларидан фарқли ўларок асар номланиши ҳам “Бобурнома”даги муаллиф нутқидаги ўринлар билан ҳам узвийлаштирилади: *“...ўткан кунларни тамом баён қилдим”* (З. М. Бобур. Бобурнома. –Т.: “Юлдузча”,1989, 108-бет). *Роман мавзусини “яқин ўткан кунлар”дан танлаган Абдулла Қодирий ҳам Туркистон ўтмишини, Қутидор эшигидан қувилган Отабекни хаёлан ўткан кунларга қайтаради; сўнгра адиб ўз қаҳрамонига унинг “ўткан кунларини заҳар билан булгаб келган” мудҳиш душманларини танитади ва манзарани тиниқлаштириб воқеликни имкони борича батамом ростлик рутбасида баён қилади”*⁵. Ёхуд

⁴ Ўша манба, ўша саҳифа

⁵ Карим Б. Икки даҳо – икки бебаҳо (рисола). –Т.: “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” Давлат илмий нашриёти, 2020, 43-бет

рисоладаги “Шакл ва шамойил тавсифи”, “Одимлар ва қадамлар”, “Ийжоз мақоми”, “Замон ўлчови”, “Китоб – восита” каби кичик мақолаларда адабиётшуноснинг икки асарни бадииятнинг ичкин қатламлари саҳнида ўрганишининг муҳим қирралари кўзга ташланади. Бинобарин, олим наздида: *“Абдулла Қодирий романларининг бетакрор жозибаси, тилидаги гўзаллик, образлилик, аниқлик, тасвирийлик – бу фазилатлар ҳозиргача ҳаммани ҳайратга солиб келади. Адибнинг бадиий маҳоратини, асарлари умрбоқийлигини барча бирдек эътироф этади. Зеро, бундай бетакрор поэтика қувватининг илдизи, юзага келиш омили ҳамда таъсирли асосларини кузатиш фойдалидир”*⁶. Шу моҳият эътибори билан Баҳодир Карим рисоласи Қодирий даҳосининг юксак бадиий тафаккури илдизларини қиёсийлик нуқтаи назаридан тадқиқ этган муҳим адабий манба ўлароқ янги давр қодирийшунослигининг ютуғидир.

Адабиётшунос олима, филология фанлари номзоди Юлдуз Каримованинг 2004 йилда эълон қилинган “Эрк” жозибаси” монографиясида Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” ва истеъдодли адиб Пиримқул Қодировнинг “Эрк” асарлари бош қаҳрамонлари Отабек – Кумуш – Зайнаб, Саттор – Розия – Ойша образлари севги учбурчаги, яъни зиддиятли учлик асосида қиёсий-типологик ўрганилади.

Ёзувчи Абдулла Қодирий ижодини адабий фигуралар учлиги мисолида ўрганган тадқиқотчилардан яна бири Санобар Тўлаганова ўзининг номзодлик диссертациясида Қодирий, Чўлпон ва Ойбек романлари мисолида ўзбек романчилигидаги ёрдамчи қаҳрамон ва унинг бадиий функцияси масаласи кенг изоҳланади.

Филология фанлари номзоди Нодира Соатованинг 2001 йилда ҳимоя қилинган “Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида эпик тасвир анъаналари” мавзусидаги номзодлик ишида, шунингдек, олиманинг “Эпик

⁶ Ўша манба, 3-бет

тасвир анъаналари”, “Анъанавийлик ва ворислик” монографияларида ижодкор асарларига ёндашувда қиёслаш муҳим жиҳат саналади. Мисол учун, адабиётшунос “Эпик тасвир анъаналари” рисоласида “Ўткан кунлар” романи саҳнида ёзувчининг поэтик тасвирда халқ оғзаки ижодининг бой меросидан, Алишер Навоий дostonларига хос эпик анъаналардан ижодий таъсирлангани ва романда миллий характер яратиш, ўзбекона миллий руҳни акс эттириш ҳамда ҳаёт манзаралари тасвирида ҳаққонийликка эришишда унинг чексиз таъсири бўлганини таъкидлайди. Буни бир сўз билан тадқиқотчи шундай ифода этади: *“Ўткан кунлар” абадиятини таъминлаган омил ҳам шу – унинг бой фольклоор ва ёзма адабиётимиз анъаналари пойдевори устига қурилганидир. Бу таъсирни биз асар тили, услубидан тортиб сюжет қурилиши-ю образар оламигача – барча-барчасида кўрамиз*”⁷. Изланиш хулосаларига бир қур назар соларканмиз, аввало, монографиянинг компаративистик методга таянгани аҳамиятли бўлса, иккинчидан, “фольклор – Қодирий – Навоий” адабий-эстетик тизимининг изчиллиги яна бир муҳим жиҳатдир. Навоийнинг эпик асарлари – “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” дostonларидаги, тадқиқотчи таъбири билан айтганда, “шеърий роман”ларидаги муҳим бадиий критерийлар Қодирий асарларига адабий жозиба бахш этганлиги исбот қилинади. Айниқса, “Фарҳод ва Ширин” ҳамда “Ўткан кунлар” асарларининг образлар силсиласидаги яқинлик олима томонидан шундай изоҳланадики, бу икки ижодкорнинг адабий-бадиий тафаккури, ижодий кредосида ҳам ўзаро уйғунлик борлигига ишонч ҳосил қиламиз: *“Фарҳод ва Ширин” ва “Ўткан кунлар” Алишер Навоий ва Абдулла Қодирий ижодида алоҳида ўрин тутиши, муаллифларнинг Фарҳод ва Отабек, Ширин ва Кумуш образлари орқали ўз идеалларидаги йигит ва қиз тимсолларини яратганликларини эътиборга олсак, мазкур асарлар Навоий ва Қодирийнинг эстетик қарашлари, оламга ва одамга муносабати, тафаккур кўлами, бадиий мезонлари ва бошқа кўплаб улар ҳаёти, ижоди,*

⁷ Нодира Исомиддин кизи. Эпик тасвир анъаналари (монография). –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001, 4-бет

шаҳси, дунёқараши билан боғлиқ масалаларга ойдинлик киритиши мумкинлиги аён бўлади”⁸.

Филология фанлари доктори Усмон Қобилов тадқиқотларидан бири – “Ўзбекистонда хорижий тиллар” электрон журналида эълон қилинган мақоласида Қодирийнинг “Ўткан кунлар”ини Шарқда кенг тарқалган “Юсуфнома”ларнинг гўзал намунаси бўлган Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асаридаги Юсуф қиссаси билан қиёслаб ўрганади. Асарларда образлар тасвиридаги ўзига хослик ва муштараклик очилиши асносида, ҳар икки асарда муҳим аҳамият касб қилувчи ишқ талқини қиёсига алоҳида диққат қилинади.

Ёхуд адабиётшунос олима М. Абдуваҳобова Қодирий асарларини қозок адиби М. Авезов асарлари билан, мунаққид Сувон Мели ўзининг “Самовий миқёс” мақоласида эса “Ўткан кунлар” бадииятини “Қирол Лир” фожиаси билан таққослаш йўлидан борадилар. Тадқиқотчи Улуғбек Очилов эса америкалик ёзувчи Теодор Драйзер ижодини Қодирий асарлари билан алоқадорликда ўрганмоқда.

Мухтасар сўз айтганда, буюк ёзувчи Абдулла Қодирий ижодини жиддий ўрганиш, асарларини бадиий талқин қилиш холис таъриф эҳтиёжига жавоб ўлароқ амалга оширилса, танқидда бир ёқлама ёндашувдан ҳар қандай даврда ҳам воз кечилиб, ҳар қайси асарга, аввало, етук бадиий яратик деб қаралса, ўйлаймизки, бу каби ҳаққоний бадиият англамлари ўзбек адабиётини жаҳон миқёсига олиб чиқади, дунё адабиётшунослигининг эътибори миллий адабиётимизга тушади. Зеро, ўзбекнинг адабий-бадиий мероси дунё билгулик дурдоналарга бой.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Йўлдош Қ., Йўлдош М. Бадиий таҳлил асослари. –Т.: “Kamalak”, 2016
2. Қосимов У. Адабий-эстетик тафаккур тадрижи: анъанавийлик, ворисийлик, ўзига хослик (Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор ва Тоғай Мурод ижоди мисолида). Филология фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси автореферати. Тошкент – 2020, 77 бет
3. Карим Б. Икки даҳо – икки бебаҳо (рисола). –Т.: “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” Давлат илмий нашриёти, 2020, 96 бет
4. Нодира Исомиддин қизи. Эпик тасвир анъаналари (монография). –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001